




filologiya fanlari doktori, professor
Hamid G'ulomovich Ne'matov
tavalludining 80 yilligiga bag'ishlanadi



FILOLOGIK TADQIQOTLAR: MUAMMO VA YECHIM

mavzusida xalqaro ilmiy-nazariy anjuman

MATERIALLARI



2021-yil 22-noyabr

system for Yeats. The conflict in the works of Blake grows to the universal level, while the conflict in the works of Yeats is an internal conflict of the personality. Yeats is the most successful as a poet and magician as a philosopher and mystic.

References:

1. Albright D. The Myth against Myth: A Study of Yeats's Imagination in Old Age. - London: Oxford University Press, 1972.
3. Bhargava A. The Poetry of W.B. Yeats: Myth as Metaphor. New Delhi: Arnold Heinemann, 1979.
4. Djalilova, Z. B. (2020). Flora in Edmund Spenser's poetry. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 371-375.
5. Ellmann R. Yeats. The Man and the Masks. London: Macmillan, 1980
6. Flannery M.C. Yeats and Magic. - Colin Smythe, Gerrards Cross, 1977. - 165
7. Foster R.F. W.B. Yeats: A Life. Vol. 1. The Apprentice Mage 1865-1914. Oxford; New York: Oxford university Press, 1997. - 640
8. Frye N. Yeats and the language of symbolism // Fables of Identity. -N.Y.: Burlingame, 1963
9. Ganieva, O. K. (2020). The essential literary criticism of John Steinbeck's "The pearl" and Odil Yakubov's "Mukaddas". ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 747-750.
10. Kilicheva Mekhriniso Rajabovna, "The Literary-Philosophical Essence Of The Concept Of Loneliness", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. Conference, p. 4, May 2020.
11. Khamdamova, S. B. (2020). Peculiar features of William Butler Yeats' poetry. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 348-351.

ИЛТИФОТ ВА УНИНГ МЕТАКОММУНИКАТИВ ВАЗИФАЛАРИ

DOI:10.53885/edinres.2021.91.75.034

Нафиса Низомиддиновна Ҳамроева

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. *Алоқа жараёнида бир қатор вазифаларни бажарадиган, одамлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириши ва мулоқотлаштиришига хизмат қиладиган озгачи мулоқотнинг фатик тури бўлмиш илтифотнинг прагматик хусусиятларини ўрганиши, лингвистик илтифот назариясини яратмиш тилишунослик тараққиётидаги ечимини кутаётган муаммодир. Мақолада фатик мулоқот турларидан бири бўлган илтифот, унинг зиддиятли нутқдаги вазифалари ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *илтифот, зиддиятли нутқ, нутқ одоби, робитасозлик, фатик функция, метакоммуникация*

Коммуникация ҳаракати иштирокчилари мулоқот жараёнида вазият тавсифига, суҳбатдошнинг характериға (жинси, ёши, ижтимоий мақоми, қариндошлиги, танишлиги) ва суҳбатдошларнинг ижтимоий иерархик (паст, тенг, юқори) ҳолатига мос равишда муайян лексик воситаларни қўллайди. Шахслараро ахлоқий (этик) муносабатлар этикетга асосланган нутқ мулоқотининг етакчи мезони бўлган хушмуомалалик принципи асосида курилади. Ана шу хушмуомалалик нутқий мулоқот кўринишларидан бири бўлган фатик мулоқот жанри – илтифотнинг асосий унсуридир. Илтифот тадқиқи – тилшунослигимиз учун ўз тадқиқини кутиб турган муаммолардан бири.

Ўзбек тилшунослигида Ҳ.Турдиева “Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи” номли диссертациясида нутқий этикет бирлиги сифатида мулозаматни санаб ўтади. Тадқиқот ишида мулозамат тушунчаси таркибини хушомад, алқаш, мақташ, камтарлик каби нутқий жанрлар ташкил этади [4, 35], деб таъкидлайди. Ҳ.Ҳожиёванинг “Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ҳурмат майдони воситалари структур ва

семантик-функционал жиҳатдан таҳлил қилинган бўлса, С.Мўминовнинг “Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари” номли тадқиқотида мулоқот хулқи муаммосининг назарий масалалари, психолингвистик аспекти, ҳудуд ва жинс жиҳатдан хосланишлар билан боғлиқ масалалари хусусида тўхталган. Аммо илтифотнинг фатик мулоқотнинг алоҳида кўриниши эканлиги тадқиқи долзарб масала бўлиб келмоқда.

Зеро, нутқий мулоқотнинг кўринишларидан бири фатик мулоқотдир. Фатик мулоқотнинг умумий мақсад-моҳиятини суҳбатдошлар (коммуникантлар) орасида мулоқот-суҳбатни тузиш → сақлаш → ёпиш вазифаларига хизмат қиладиган, мулоқот мақсади билан алоқадор бўлган ахборот билан бевосита боғланмаган мавзулардаги қисқача суҳбат ташкил этади [3, 293]. Бунда мулоқотга киришиш деганда коммуникантларни медиадискурсга тайёрланиши, мулоқотда бўлиш атамаси остида алоқа-суҳбатни сақлаш ва давом эттириш, мулоқотни яқунлаш деганда эса алоқани яқунлаш жараёнлари билан боғлиқ мулоқот нутқини тушунамиз. Биз бу фикрларни аввалги бобда ҳам таъкидлаган эдик. Мулоқотнинг фатик вазифаси ўзига хос маъноларга эгадир. Биз буни фатик жанрлар деб ҳам аташимиз мумкин. Масалан: 1) лутф, хушомад, илтифот (комплимент), 2) мақтов, 3) изхори муносабат, 4) миннатдорлик, 5) ҳазил-мутойиба, 6) олиб қочиш/чалғитиш (флирт) ва ҳ.к. Фатик мулоқотдан ягона мақсад алоқани сақлаб қолишдир. У интеллектуал мулоҳаза натижаси эмас, бу ерда тил фикрни етказиш воситаси сифатида ишламайди.

Илтифотнинг мулоқотни қўллаб-қувватловчи фатик вазифаси ҳаракатнинг изчиллигини таъминлайди, коммуникаторларнинг кейинги ўзаро мулоқотларини осонлаштирадиган ташкилий ҳодиса ҳисоланади. Умумий вазифалари куйидагилардан иборат: суҳбатдошнинг диққатини ва қизиқишини сақлаб қолиш, суҳбатнинг самарадорлигини рағбатлантириш, тушунишни бошқариш, шахслараро жозибадорликни ошириш ва қулай муҳитини яратш ҳамда сақлаб қолиш каби.

Мулоқотни яқунлаш ҳақидаги фатик илтифот суҳбатдошга ўзаро таъсирнинг тугаши тўғрисида хабар беради ва коммуникатив ҳаракатнинг ижтимоий ҳамда эмоционал натижаларини сарҳисоб қилади.

Фатик мулоқот воситаси сифатида илтифот конструктив вазифани бажаради. У керакли/зарур оҳанг ва мулоқот услубини ўрнатади. Тингловчига маълум муносабатни шакллантириш, суҳбатдошлар орасидаги масофани камайтириш ва ҳиссий стрессни енгиллаштириш каби вазифаларни бажаради. Илтифот нутқий этикет бирликлари доирасида ҳам ўрганилади.

Биз таҳлил учун бир қанча тарихий асарларга мурожаат этдик. Бундай асарларда асосан подшоҳ ва мансабдор аъёнларга хушомад, илтифот, уларнинг толеъини кўкларга кўтариш каби ўринлар бисёр эканлигига гувоҳ бўлдик. Шу билан бирга тарихий асарларда жанг ва ғалаба мотивлари кўрсатилган лавҳаларнинг кўпроқ учрашини ҳисобга олсак, улардаги илтифотларда куч-қудрат, мардлик, жасурлик хусусиятлари улуғланган бўлади. Яна бир жиҳат шуки, замонавий мавзулардаги асарлардан кўра тарихий мавзулар ёритилган бадиий асарларда ўзига хос илтифот, мулозамат намуналари кўпроқ учрайди.

П.Қодиоровнинг “Юлдузли тунлар” романида ҳам фатик мулоқотнинг тури ҳисобланган илтифотнинг бир қанча намуналарини кўришимиз мумкин:

- Билагингизда куч кўп амирзодам! Шерпанжасиз. Подшоҳ ҳазратлари сизни Бобур деб атаганлари бежиз эмас. Бобур арабча шер демақдир! [1, 36]

Биз ҳар бир миллат вакиллариининг нутқида ўз менталитети акс этиши ҳақида гапирган эдик. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида ҳам илтифотнинг энг ноёб намуналарига дуч келамиз. Асар тенгсиз одоб-ахлоқ, ўзбекона одоб ва маданиятни ўзида акс эттиради. Дастлаб Юсуфбек ҳожи ва Отабек образини таҳлил этсак. Юсуфбек ҳожидаги салобат ва тафаккур қудрати, Отабекдаги виждон ва йигитлик ҳақидаги мустаҳкам тасаввур Қодирий қаҳрамонларининг ақлу закоси, мулоҳазакорлигини кўрсатади. Ўзбекоким ўз хоҳиши билан Отабекка Зайнабни унашиб қайтади. Отабек

бундан беҳабар бўлсада, бир дилхираликни сезиб тургандек. Романнинг бу ҳақдаги воқеаси баёнида шундай дейилади:

“...Анчагина сўзсиз ултургандан сўнг ҳожи мулойимона сўз очди:

-Ўғлим, ҳали сан эшитдингми, йўқми, ҳайтовур, биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек, маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини» албатта билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

-Ақлик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, - деди.” [2, 72]

Фарзанд жавобидаги мантиқий қудрат ва ота-онага нисбатан тавозеъ шу қадар кучли эдики, ота бундан қаттиқ таъсирланади. Ҳожи Ўзбек оғимдаги бироз калтабинлик нуқсини билсада, айбни борича унга тўнкаб қўймайди, «биз» деб кўрсатади. Энди бу оғир масалани узил-кесил ҳал қиладиган қатъий тамойил бор. Бу ҳам бўлса, ушбу оила аъзоларига хос бўлган лафзга садоқат туйғусидир. Айни шу парчанинг ўзида ноёб ўзбекона қадриятлар – фарзанднинг ота-она ихтиёрига кескин қарши чиқмаслиги, ота ҳурмати, фарзанд эъзози, оилабошининг аёли иззатини ошқора тўқмаслиги, айниқса, лафзга вафодорлик фазилати маҳорат билан очиб берилади.

Кўринадики, илтифот дискурсида бир қанча прогматингвистик ва социолингвистик вазибаларни бажаради. Зеро, у мулоқотнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири, шахслараро ўзаро таъсирни уйғунлаштириш воситасидир.

Адабиётлар:

1. Қодиров П. Юлдузли тунлар. Т.: Шарқ, 2016.
2. Қодирий А. Ўткан кунлар. Т.: Шарқ, 2004.
3. Тоирова Г. Фатика ва фатик мулоқот турлари//ЎзМУ хабарлари –Тошкент, 2016, 2-сон –Б.291-295.
4. Турдиева Х. Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи: филол. фан. PhD дисс. автореф. – Тошкент, 2020.
5. Хамроева Н. Н. Комплимент как одна из форм фатического общения КОМПЛЕМЕНТ AS ONE OF FATIC COMMUNICATION FORMS //МІЖНАРОДНИЙ НАУКОВИЙ ЖУРНАЛ «ІНТЕРНАУКА. – 2020. – С. 107.

ПРОБЛЕМЫ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ – ОДНА ИЗ УЗЛОВЫХ ПРОБЛЕМ ТЕОРЕТИЧЕСКОГО ЯЗЫКОЗНАНИЯ

DOI:10.53885/edinres.2021.60.97.035

Ильхомжон Собирович Мадрахимов

кандидат филологических наук, доцент

Коканд ГПИ

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с определением языковых единиц в мировой лингвистике. Учитываются принципы выделения вышеуказанных единиц языка.

Ключевые слова: языкознание, языковые единицы, фонема, морфема, слово, словосочетание, глоссематика, дескриптивная лингвистика, семантема, грамматика, фонология, минимальная значимая единица, структура

Annotation: This article discusses issues related to the definition of linguistic units in world linguistics. The principles of allocation of the above-mentioned language units are taken into account.

Key words: linguistics, linguistic units, phoneme, morpheme, word, phrase, glossematics, descriptive linguistics, semanteme, grammar, phonology, minimal significant unit, structure

Atouullo Rakhmatovich Akhmedov, Sevara Mahmud qizi Po‘latova. Arealogiya tushunchasi haqida.....	100
Odiljon Bozorov. Til nazariyasini shakllantirish va boyitishda falsafiy kategoriyalar metodologiyasi	102
Nodira O‘tkir qizi Boltayeva. Tabassum kommunikativ-emotsional aloqa vositasi sifatida	105
Nazora Jo‘rayevna Bekova, Zarina Raxmiddinovna Sayliyeva, Feruza Sohob qizi Saidova. “G‘aroyib us-sig‘ar” devoni tarkibidagi bir g‘azal tahlili	108
Nazora Bekova, Shahlo Halimova. Navoiyning “Navodir ush-shabob” devoni nashrlaridagi tarje‘bandlarning matniy tafovutlari va ularning g‘oyaviy-badiiy tahlili	110
Дилдора Бўронова. Инкорнинг лингвофалсафий, лингвомантикий, прагматик табиати хақида мулоҳазалар.....	112
Шоҳсанам Давронова. Қиссада бадий далиллашнинг ўрни.....	114
Nafisa Izzatullaevna G‘aybullaeva. Evfemizmning nutqdagi ijtimoiy ahamiyati	117
Орзигул Хайриддиновна Ганиева, Феруз Бахтиёрвич Садуллаев. “Муқаддас” қиссасининг бадий хусусиятлари.....	118
Шахноза Кахрамоновна Гулямова. Кўп маъноли сўзлар қуршовини лингвистик моделлаштириш	122
Maqsuda Baqoyevna Ikromova. Xorijiy tillarni o‘rgatishda va o‘rganishda zamonaviy metodlar va texnologiyalarning o‘rni.....	124
Аъзамжон Авазжон ўғли Ихтиёр. Субъектив муносабат семантикасининг фраземалар парадигмаларини шакллантириши хусусида	126
Турсунали Жумаев. Морфологик тарихий қолдиқларда вариантлашув	129
Шахло Шокировна Жумаева. Миллий колорит ва унинг хусусияти.....	132
Nazokat Zaripboyeva. Milliy til korpusining paydo bo‘lishi va taraqqiyoti.....	134
Nazokat Zaripboyeva. O‘zbek tilining milliy korpusini yaratish mezonlari	138
Ихтиёр Нигматуллаевич Камолов. Тилшунослик ва адабиётшуносликда биографик ёндашувнинг долзарблиги.....	142
Bayramali Kilichev, Intizora Axmatova. Ayrim toponimlarning tarkibi va semantikasi haqida	145
Bayramali Kilichev, Sharofiddin Rahmatullayev. O‘zbek ertaklaridagi antroponimlarining lingvomadaniy asoslari	148
Дилрабо Қувватова, Раҳима Шарипова. Рауф Парфи шеърятда шамол рамз сифатида	151
Umidjon Yigitaliyev. “Shaxs” lisoniy zarrasining fonetik-fonologik tizimda voqelanishi	154
Shahnoza Yusufvna Yoqubova. Obyektli birikmalarning formal grammatik tavsifi xususida	155
Фармонов Б.Б. Рельефонимларнинг инглиз тилида семантик тузилиши.....	158
Khamdamova Sitara Bakhshilloevna. William Butler yeats’ myth-making features.....	160
Нафиса Низомиддиновна Ҳамроева. Илтифот ва унинг метакоммуникатив вазифалари	163
Ильхомжон Собирович Мадрахимов. Проблемы языковых единиц – одна из узловых проблем теоретического языкознания	165
Шохиста Тухташевна Махмараимова. Луғавий бирликлар ўртасидаги эпидигматик муносабат.....	169
Сиддиқжон Мўминов, Табассумхон Мўминова. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” қиссасида бадий нутқ ва услубнинг ўзига хослиги	173
Mahbuba Muhammadova. Humoyun Mirzo Nisoriy talqinida.....	176
Дилфуза Сайтовна Нарзуллаева. Халқимизнинг момо култига алоқадор мифологик қарашлари	179
Saida Axmedjanovna Nazarova, Maxfirat Yusupovna Xojjiyeva. Lisoniy sintaktik birliklarning tibbiy nutqda voqelanishi	183
Ниязова Г. Детектив асарлар тилининг прагматик хусусиятларини таҳлил қилиш	186
Munavvar Sultonovna Olimova. Ona tilim – millatim ruhi.....	188
Зарина Олимова. Гулистон Матёкубова ижодида ташхиснинг ўрни	190
Ситорабону Уринова. Отличия и отличия рассказа издания “рабгузий” от его преобразований в рассказе “строительство и завершение каабы”	193